

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 8-iyun, Payshanba

№ 24 (9240)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti\_gazetasi

## МАМЛАКАТМИЗДА БУҒДОЙНИНГ ЎТА ТЕЗПИШАР ИННОВАЦИОН НАВИ ЯРАТИЛДИ

Мамлакатимизда ilk бор буғдойнинг “Ультра” деб номланган ўта эртапишар инновацион нави синовдан ўтказилди.

Синов муваффақиятли ўтди. Кузда экилган буғдой уруғи шу йил 20 майгача тўлиқ пишиб, етилди. 25 май куни эса янги нав экилган ғаллазорларга ўроқ тушди. Ушбу нав Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тасарруфидаги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида Россия Федерацияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда яратилди. Олимларнинг таъкидлашича, ушбу нав синов даврида ўзининг ижобий кўрсаткичларини намойён қилган. Навнинг ҳосилдорлиги гектарига 85 центнерни ташкил қилди. Дон технологик сифат кўрсаткичлари юқорилиги бўйича I-гурух кучли буғдой синфига киради. Энг муҳими, буғдой жуда эрта пишади. Бошқа навларнинг бошоғи май ойининг сўнги 10 кунлигида эндигина сарғая бошлаганда янги “Ультра” нави тўлиқ пишиб, етилди.

– Бу ердан самарали фойдаланиш имконини янада орттиради, – дейди Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, профессор Равшанбек Сиддиқов. – Боиси, май ойи тугамасдан буғдой ўриб олинса, унинг ўрнида такрорий

эмас, балки асосий экин турларини экиб, юқори ҳосил олиш мумкин. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги имкониятларни янада кенгайтиради.

Буғдойнинг янги “Ультра” навининг афзаллиги шундаки, ёзнинг жазирамаси бошланмасдан пишиб, етилади. Бунда дон тўла пишиб, етилади, сифат кўрсаткичлари юқори бўлади. Сўғориш 1-2 мартага қисқариши ҳисобига гектарига 750-1500 метр куб сув иқтисод қилинади. Тез етилиши



ҳисобига бегона ўтлар ва зараркундаларга қарши қўлланиладиган химёвий воситалар учун ҳам харажатлар тежалади. Ўримдан сўнг такрорий экин сифатида экиладиган соя, кунгабоқар, маккажўхори ва бошқа экинлар тўлиқ пишиб етилади, ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, бир йил давомида икки ҳосил олиш имконияти ярати-

лади. Такрорий экин сифатида дуккакли экинлар экилиши натижасида тупроқда соф ҳолда 50-60 кг. биологик азот тўпланади. Бу эса тупроқнинг унумдорлиги ортиб, агрофизик ва агрохимёвий хоссалари яхшиланишига сабаб бўлади.

**Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ахборот хизмати**

## ИННОВАЦИЯ, СТАРТАП ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ОҒУШИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Бугун қай соҳа ва ё жабҳага қараманг – ҳаммасида янгиликка интилиш, илмни амалиётга жорий этиш ҳамда замонавий кўникмаларни ўзлаштириш каби вазифалар устуворлигига дуч келасиз. Тўғри-да, одатдагидек эмас, янгиликни одат қилиб яшаш айни давр талаби. Бунинг ёшу-қари бирдек идрок қилаётгани бор гап.



Қорақалпоқ замини тарихан қишлоқ хўжалиги учун мақбул ҳудуд сифатида қайд этилган. Айни даврда ҳам шундай. Минтақа учун ўзига хос аграр тармоқ йўналишлари бор. Бу пахтачилик, дон-дуккакли ўсимликлар, шолчилик, чорвачилик, балиқчилик ва боғдорчилик. Санаганимиз асли асосий устунлар. Қолган йўналишлар ҳам жадал ривож топмоқда. Бу ҳам ҳақиқат.

Мазкур кўрсаткичлар Қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитовнинг Қорақалпоғистон Республикасида ўтказган амалий учрашувларида яққол намойён бўлди. Нукус тумани “Biogumus farm” стартапини олиб кўрайлик. 60 гектар ерга помидорнинг Италиядан олиб келинган “Sanmarsano” нави экилган. Органика етиштириш услубига хос навлар 30 гектарга жойланган. Усули шундай. Касалликка ва тупроқ шўрланишига чидамли. Ҳар тупидан 280

килограммга қадар мева беради, қойилмасиз? Ҳосили узунчоқ, бизни борзорларда кўзга ташланмайдиган нав. Кўзимиз ўрганмаган-да. Аммо Европа Иттифоқи мамлакатларидан харидор бисёр. Йиллик экспорт 310 минг доллар. Лойиҳа қиймати – 3,07 млрд сўм. Корхонада 90 та доимий, мавсумда кўшимча 110 нафар ишчи меҳнат билан таъминланган. Ҳали бу ҳаммаси эмас. Унинг бизнес режалари бор. Помидорга ёғ аралашмасида ишлов бериб, кўшимча қиймат яратиш ниятида. Шунда 1 долларлик маҳсулот, тайёр 7-10 долларлик қиймат ҳосил қилувчи маҳсулотга айланади.

Ўз навбатида Азиз Воитов тадбиркор билан суҳбатда бунинг учун Қишлоқ хўжалиги вазириликдан ёрдам ва қандайд кўллов керак бўлса, қўллаб-қувватлашга тайёрлигини таъкидлади. (Давоми 2-саҳифада)

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ИФОДА ЭТАДИ

Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”, дея қайд этилган.



Декларациянинг 2-моддасида эса ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарурлиги эътироф этилган. Бу умуминсоний тамойиллар Ўзбекистон миллий қонунчилигида ҳам устуворлик касб этади.

Айтиб ўтиш керакки, мазкур декларация мустақил Ўзбекистон Республикаси имзолаган энг биринчи халқаро ҳужжатдир.

Ўзбекистон Конституцияси тамойиллари юқорида қайд этилган халқаро меъ-

ёрларга тўлиқ мос келади. Бош қомусимизга кўра, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қимга тугилганидан бошлаб тегишли.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий даврийдан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. (Давоми 2-саҳифада)



## “EVOLUTION” НАВИНИНГ ИЛК ҲОСИЛИДАН ГЕКТАРИГА 30-35 ТОННАГАЧА ҲОСИЛ ОЛИНМОҚДА

Китоб туманида жорий йилги янги экилган картошка нави кутилганидан ҳам мўл ҳосил бермоқда

Хабарингиз бор, баҳор фаслининг ilk кунларида Китоб туманида 700 гектар майдонга янги картошка уруғи олиб келиниб, экиш ишлари бошланган эди.

“Kitob yetti xazina” МЧЖ кластерига қарашли “Varganza-Vog’ishamol” томорқа хизмати томонидан маҳаллий иқлим шароитга мослашган, касалликларга

чидамли, юқори ҳосилдорликка эга мазкур Голландиянинг “evolution” нави бугун ўзининг ilk ҳосилини бермоқда.

“Картошканинг бу нави бизнинг иқлимга мос экан. Бу йилги ҳосил нафақат истеъмол учун балки кейинги йил учун уруғлик сифатида ҳам ишлатилади ва яна кўпайтиради. Ҳосилдорлиги ҳам анча

яхши, гектаридан 30-35 тоннагача ҳосил олинмоқда”, – дейди кластер раҳбари Нурмухаммад Кўйчиев.

Ҳосил йиғиш жараёнлари билан танишиш мақсадида туман сектор раҳбарлари ҳам мазкур далаларда бўлиб, деҳқонларнинг меҳнатлари самарасига гувоҳ бўлишди.

**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати.**

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## ЯНГИ НАМАНГАН ТУМАНИДА “ART SOFT BUNYODKOR” КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Янги Наманган тумани Бунёдкор маҳалласида рўйбга чиқарилган ушбу лойиҳа “Art soft holding” компаниясининг трикотаж йўналишидаги еттинчи корхонаси ҳисобланади.

Мазкур объект 7 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган бўлиб, бу ерда икки сменада 300 га яқин киши иш билан таъминланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 550 минг доллар бўлиб, 20 турдан ортиқ трикотаж маҳсулот-

лари МДХ мамлакатлари экспорт қилинади.

2024 йилда лойиҳанинг 2-босқичи ишга тушиши режалаштирилган ва бунинг эвазига 450 та янги иш ўрни яратилади.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.**





IX asrdan darak

Шартнома негашартнома?

## ИННОВАЦИЯ, СТАРТАП ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ОҒУШИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН



(Боши 1-саҳифада)

Айни туманда жойлашган "Дон ва шол илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси" фаолияти билан ҳам танишилди. Йиллар давомида Қорақалпоқ заминини иқлими ва табиғига хос ва мос экан навларини яратишда мазкур муассасанинг ўрни беқиёс. Тажриба майдонида 24 турдаги маҳаллий нав синнов жараёнида. Қўшимча 30 дан ортиқ нав бошқа хуудлардан олиб келиб ўрганилмоқда. Мақсад – замин имкониятларига мос келувчи экин турини аниқлаш. Усиб, унсин. Мул ҳосил берсин. Барака уругини қадаган деҳқон манфаат кўрсин. Шунинг учун бу ерда шолнинг ҳам, дук-какли ўсимликларнинг ҳам лаборатор ва майдон синновлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кези келганда айтиш керак, бугун Қорақалпоғистонда амалда экилаётган бугдой уругининг аксар қисми мана шу ерда етиштирилган. Дала майдонларида турли янгиликлар жорий қилинган: ёмғирлатиб, томчилатиб сугориш. Германия, Жанубий Кореялик олимлар билан амалий мулоқот натижасида янги иштиролар дунё юзини кўрмоқда. Демак, бу ерлик олимлар экин уругларини маҳаллий иқлим шароитига мослаш учун изланишдан бир он бўлса-да, тўхтагани йўқ.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги вазири чорвачилик, балиқчилик тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиди. Чорвачилик анъанавий усулда ривож топаётган бўлса, балиқчиликда янгиликлар кўп. Инновасия айни йўналишга кенг татбиқ этилмоқда. Нукус туманида мазкур йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг лойиҳаларини кўздан кечириш экан, Азиз Воитов бунга шахсан гувоҳ бўлди. Сунъий қопламали кўллар, балиққувуридан маҳсулот етиштириш, аквалаторияларда янги авлод балиқ личинкаларини кўпайтириш айни кунда қизгин паллага кирган. Янги лойиҳалар учун ерлар ҳозирланмоқда. Махсус бассейн ва мосламалар, балиқ етиштирувчи мазмунлар аксар қисми интенсив усулда балиқ парваришига қаратилган. Бу ҳам заминдаги ўзига хос янгилик.

Кейинги манзил – Кегейли тумани. Бу ерда академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиали жойлашган. 2013-йилда фаолиятини қайтадан бошлаган филиал жами 220 гектар тажриба майдонига эгалик қилади. Бу ерда Қорақалпоғистон флорасининг жуда кўп намуналари, боғдорчилик, кўчатчилик маҳсуллари жой олган. Тўғри, бу ернинг об-ҳавоси ва иқлим шароити барча кўчатларнинг бирдек ўзини тутиб кетишига кафолат бермайди, аммо тажриба станцияси шунинг учун ҳам мавжуд. Бу ерда аграр соҳа вакиллари участкаларда изланиш олиб боради, университет талабалари – ўрганишда, олимлар тажриба ўтказмоқдалар. Мақсад битта – замин учун муҳим яшиллик ниҳолдан кўчатга айланиши керак. У эл учун озиқ бера оладиган дарахт бўлиши лозим. Айни мақсад сари ўрганиш ва изланиш тинмайди. Бир вақтлар бу ерлар кўзни қувонтирган сўлим боғ, мевалари ерга қўл чўзган дарахтлар мавзеси бўлган. Галдаги вазира – бу ернинг аввалги шуҳратини тиклаш ва келгусида ўзига хос питомникка айланттириш.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик хабароти хизмати.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилоятида балиқчилик тармоғини ривожлантириш мақсадида соҳага замонавий интенсив кичик ҳавзалар, ёпиқ сув айланма тизими ва қафас мосламаларида балиқ етиштириш технологияларини жорий этиш орқали интенсивлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Бўстонлик туманига ОАВ вакиллари ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, яъни, хонадонларда балиқ етиштириш жараёнлари ва мазкур соҳада экотуризмни ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар билан танишилди.

Маълумотларга кўра, ҳозир Тошкент вилоятида 7,5 минг гектар сунъий сув ҳавзаларида 560 ҳамда 3,6 минг гектар табиий сув ҳавзаларида 10 балиқчилик хўжалиқлари фаолият юритмоқда.

– Балиқ личинкасини ишлаб чиқарувчи 13 инкубатория ва 917 гектар репродуктив ҳавзалар мавжуд, – дейди "Тошкентбалиқсаноат" МЧЖ раҳбари Азаматбек Раҳмонов. – Балиқ личинкасини ишлаб чиқаришдан тортиб, ем ишлаб чиқариш, қайта ишлаш бунга қаратилган жамлаган 6 кластерлар фаолият

## БЎСТОНЛИҚДА ФОРЕЛЬ ЕТИШТИРИШ ОММАЛАШМОҚДА

юритмоқда. Ҳудудда соҳани ривожлантиришнинг ҳозирги кундаги асосий негизи бўлган интенсив усулда балиқ етиштириш технологиялари жорий этиш янада ривожлантирилиб, мавжуд сунъий сув ҳавзалари қайта реконструкция қилиш ҳисобига балиқ етиштириш ҳосилдорлиги 3-4 баробарга ошмоқда.

Тахлилларга кўра, ҳозир Қуйи Чирчиқ туманида 145 гектар, Янгийўл туманида 64 гектар, Ўрта Чирчиқ, Чиноз туманларида 60 гектардан, Бекобод туманида 65 гектар, Зангиота туманида 28 гектар, Юқори Чирчиқ туманида 25 гектардан сунъий экстенсив ҳавза майдонларида интенсивлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида умумий қиймати 175,4 миллиард



сўм бўлган 16 янги балиқчилик лойиҳалари амалга оширилиб, 248 иш ўринлари яратилган.

Пресс-тур давомида журналистларга Бўстонлик тумани ҳудудида жойлашган "Шарқ балиғи" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар билан таништирилди. Бу ердаги балиқчилик хўжалигида ёпиқ сув айланма тизими ускунаси ташкил қилинган бўлиб, совуқ сув балиқлари сира-

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ИФОДА ЭТАДИ



ва эркинликларига хурмат муносабати шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Бирлашган миллатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзо сифатида фаол ҳаракати, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича махсус маърузачилари билан яқин ҳамкорлиги бунга ёрдам бериб берди.

Шунингдек, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, қийноққа солинишни олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини шакллантириш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурий қабул қилиниши бўйича йўналишда таълимни янада ривожлантиришга, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини, давлат хизматчиликларининг инсон ҳуқуқлари

ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган.

Шу асосда фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари ва нормалари тўғрисидаги билимларини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш бўйича зарур ишлар амалга оширилади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланади.

Санага бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари

ва муассасалари, жамоатчилик бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа этиб белгиланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакиллари фаол иштирок этиши бўйича халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорлик таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурий тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2023 йилдан бошлаб ҳар йили 1-10 декабрь кунлари мамлакатимизда "Инсон ҳуқуқлари" ўн куллигини эълон қилиш ҳамда барча умумий онал ва олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кунга бағишланган умуммиллий дарслар ўтқишини йўлга қўяди.

Бир сўз билан айтганда, дунё халқлари ҳуқуқлари ҳимоясини ўзида ифода этиш билан бирга уларни бирлаштириб турадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллиги юртимизда муносиб нишонланади.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири.

### QASHQADARYODA VIII - IX ASRLARGA OID TOSH MINORA TOPILODI



Qashqadaryo viloyati madaniy meros boshqarmasi mutaxassislari tomonidan olib borilgan izlanishlar natijasida Yakkabog' tumani Tatar tog'larida taxminan VIII-IX asrlarga taalluqli toshdan qurilgan kuzatuv minorasi deya taxmin qilinayotgan obyekt aniqlandi. Shuningdek, mutaxassislar tomonidan ushbu obyekt guvuroni ya'ni zardushtlarning daxmasi bo'lgan degan taxminlar ham bor.

Hududiy mutaxassislarining fikriga ko'ra Muqanna qal'asining qurilish uslubiga o'xshash tosh minorani atroficha o'rganish jarayonida hududda suv tegirmoni qoldiqlari va erigan metall ahyolari topildi. Bundan anglash mumkinki, mazkur obyektдан ma'lum harbiy istehkom yoki ishlab chiqarishga mo'ljallangan ta'minot sifatida foydalanilgan.

Hozirgi kunda boshqarma tomonidan topilgan madaniy meros obyektning tarixiy qiymatini o'rganish ishlari olib borilmoqda, izlanishlar natijasi yuzasidan qo'shimcha ma'lumot beriladi.

Madaniy meros agentligi.

### "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ФУҚАРО БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ НЕГА БАЖАРМАДИ?

Ўзбекистон Республикасининг янги қилинган Конституциясида ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу меъёرنинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Жумладан, ўтган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратиб берилган бўлса, бу йил 90 минг оилани уй-жойли қилиш марраси олинган. Яқин 2-3 йилда эса бу рақамни 200 мингга етказиш устида ишланмоқда. Бу рақамлар албатта, тадбиркорликнинг ипотека йўналиши фаолиятининг жозибadorлигини оширади. Ҳаётда намунали қурувчилар билан бирга шартномаларга амал қилмайдиганлари ҳам учраб туради. Оддий фуқаро бир умр ишлаб топган пулига, бор мулкларини сотиб уй харид қилар экан, уни бир савол қийнайди: "Ишқилиб, уйимни битқазиб берармикан?". Шундай фуқаролардан бири Давронжон Қодиров ҳам бундан қарийиб икки йил муқаддам уйдагилари билан ўртада тўплаган пулларига Зомин туманида қурилаётган уйлардан олиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ Жиззах филиали билан шартнома тузади.

Ҳамма қатори Давронжон ҳам уйдагилари билан биргаликда озуларидagi уйларини тезроқ қуришни, кўчиб киришни хоҳлашади. Аммо, орадан шунча вақт ўтса ҳам, шартномадаги уйдан дарак бўлмайди. Ҳафсаласи пир бўлган йигит тузилган

шартномани бекор қилиш мақсадида судга мурожаат қилади. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 22.04.2023 йилдаги қарорига асосан "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖдан Д.Қодировга 1,4 миллиард сўм тўланган маблағини ундириш тўғрисидаги ижро варақаси Мажбурий ижро бюросининг Жиззах шаҳар бўлимига келиб тушади. Қарздорга нисбатан ижро иши кўзғатилиб, тарафларга маълумот учун юборилади. Аммо давлат ижросининг оғоҳлантиришлари қармасдан белгиланган иштироки мuddатларда қарздорлик тўлаб берилмагандан сўнг, мажбурий ижро чоралари қўрилади. Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида давлат ижросчилари томонидан Давронжонга муқаддам тўлаган пуллари тўлиқ ундириб берилди. Ушбу ундирилган пуллар келгусида Давронжоннинг оиласига озуларидagидек уй харид қилишга хизмат қилса ажаб эмас.

Ғайрат МАМАТҚУЛОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Жиззах вилояти бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича катта инспектори, 1-даражали юрист.

### ЭЪЛОН

"Тошкент шаҳар. Юнусобод тумани, Фароғат 2 тор кўчаси, 5 уйда рўйхатда турган 23.04.2022 йилда вафот этган ИШАНЖАНОВ ПУЛАТ ЮНИСОВИЧнинг мулкига мерос иши очилганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос ғувоҳнамасини расмийлаштириш учун бир ой мuddат ичида нотаириус Д.Ш. Ахунджанова нотариал идорасига мурожаат этишлари сўралади. Идора манзили: Юнусобод 8-мавзе, 40 уй. 1 хонадон.

А.МУСАЕВ,  
Д.ЭРНАЗАРОВ (ЎЗА)  
олган сурат.



Назорат сифатга кафолат!

Сув ҳисоботи бугуннинг муҳим талаби

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятида жами 209 та объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

ҚУРИЛИШ СИФАТИ

ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар, жисмоний тарбия, спорт, маданият, санъат объектлари, сув таъминоти ва канализация тизимлари, ирригация, мелiorация, ободонлаштириш, ўрмон хўжалиги объектлари, гидрометеорологик станциялар, “Янги Ўзбекистон” массивларида барпо этиладиган инфратузилма объектлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда ушбу объектлардан 180 дан ортиги фойдаланишга топширилган бўлиб, қолганларида ҳам ишлар қизгин бормоқда.



худудий назорат инспекцияси жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис ҳам инспекция жамоаси томонидан Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш – Хазарбоғ-Оққапчиғай каналлари тизимини қайта тиклаш лойиҳаси, Денов тумани “Лагмонта” МФЙ худудиди янги МТМ қуриш, “Сурхондарё” давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудугини қуриш, сув насосини ўрнатиш, “Қизириқ” давлат ўрмон хўжалигида

сув насосини ўрнатиш, Сарийосиё туманидаги “Ҳисор” давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудугини қуриш объектларида жами 1 минг 300 га яқин назорат ишлари олиб борилди. Объектларда аниқланган камчиликларни бартаараф этиш бўйича жами 2 598 та муддатли,



режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар ушбу объектларнинг муайян қисми фойдаланишга топширилган бўлиб, қолганларида ҳам қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Ушбу объектларда инспекция томонидан жами 433 маротаба назорат ишлари олиб борилиб, аниқланган камчиликларни бартаараф этиш бўйича пудратчиларга 216 та, буюртмачиларга 353 та ва лойиҳачиларга 216 та муддатли, ёзма кўрсатмалар берилди, 753 та кўрсатмадаги камчиликлар ўз вақтида бартаараф этилди. Қолаверса, 5 та ҳолатда сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани юзасидан тегишли органларга тақдимнома киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вилоят худудиди жами 248 та



фойдаланишга топширилган бўлиб, қолган объектларда ҳам қурилиш-монтаж ишлари қизгин давом этмоқда.

Ушбу объектларда инспекция томонидан жами 355 маротаба назорат тадбирлари олиб борилди. Аниқланган камчиликларни бартаараф этиш бўйича жами 350 та муддатли, ёзма кўрсатмалар берилиб, 221 таси камчиликлар бартаараф этилди. Айни шу объектлар бўйича 12 нафар мансабдор шахсга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга тақдим қилинган.

Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури ижроси бўйича ҳам вилоятда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла биноларини реконструкция қилиш, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кўплаб хайрли ишлар олиб борилмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши белгиланган барча объектлар бўйича инспекция томонидан тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, рўйхатга олинган. Белгиланган тартибда назорат ишлари олиб борилиб, аниқланган камчиликларни бартаараф этиш чоралари қўрилган.



объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Шу кунга қадар барча объектларда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун буюртмачилар томонидан инспекцияга мурожаат қилинган ва инспекция томонидан ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиб, рўйхатга олинган. Бугунги кунда ушбу объектлардан 30 дан ортиги

Сирасини айтганда, бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Замоनावий бино ва иншоотлар, қулай, шинам уй-жойлар, бугунги кун талабига мос келадиган кўплаб ижтимоий соҳа объектлари барпо этилмоқда. Уларнинг сифатли, белгиланган меъёрлар асосида қурилиши асосий мезон ҳисобланади. Сурхондарё вилояти Қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси айни шу мезон ва талаблардан келиб чиққан ҳолда назорат ишларини олиб бормоқда.

Ориф ЖУМАНОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

СУВ РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБ-КИТОБИНИ АНИҚ ЮРИТИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йил сайин кучайиб бормоқда. Шу боис сув ресурсларини самарали бошқариш, аниқ ҳисоб-китобини юритиш ва истеъмолчилар ўртасида адолатли тақсимланишини йўлга қўйиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида”ги қарориди сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилиш тартибини белгилаш, ҳар бир сув олиш жойларини сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув олиш жойларини сувнинг кундалик ҳисоб журналлари билан таъминлаш, олинган ва етказиб берилган сувлар учун икки томонлама далолатномалар расмийлаштириш ҳамда сув ҳисоби ва ҳисоботини олиб боришга доир вазифалар белгилаб берилган. Қарорга мувофиқ 2022 йилда сув ҳўжалиги вазирилик тизим ташкилотлари ҳисобиди ирригация тармоқларида жойлашган 22066 та гидропостда жорий ва капитал таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. 2343 та гидропостнинг паспортлари, 8078 та гидропостнинг метрологик ҳужжатлари намунавий шаклда расмийлаштирил-



ди. Сув ҳўжалиги вазирилик тизим ташкилотларининг гидрометр ходимлари томонидан белгиланган режага асосан 15,4 млн. марта назорат-кузатув ва 536,5 минг марта назорат-ўлчов ишлари амалга оширилиб, белгиланган тартибда гидропостларнинг сув сарфи жадалларига тузатишлар киритиб борилди. 2022 йилда тизим ташкилотлари томонидан 594 та сув ўлчаш воситалари тарировка ва қиёслаш кўригидан ўтказилди ҳамда 42 та янги сув ўлчаш воситаси, 99 та гидрометрик штанга ва 4702 та сув ўлчаш рейкалари харид қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қишлоқ худудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш: техник салоҳиятини кучайтириш” лойиҳаси томонидан Сув ҳўжалиги вазириликнинг Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизматида 8 та сув ўлчаш доплер-профилограф ва сув ўлчаш воситаларини (вертушка) тарировка ва қиёслаш кўригидан

сиди барча туман ирригация бўлимлари учун Хитой Халқ Республикасидаги “Kaifeng Instruments Co Ltd” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “MGG/KL-DCB” русумли электромагнит сув тезлиги ўлчаш қурилмаси (вертушка) олиб келиниб, улардан фойдаланиш бўйича “Замоनावий сув ўлчаш воситаларидан фойдаланиш” мавзусида ўқув-тренинг курслари ўтказилди. Бундан ташқари, сувнинг ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш ва гидрометрия хизматини янада яхшилаш бўйича гидрометр ходимлар учун ўқув-амалий семинарлар ташкил қилиб борилмоқда. Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) томонидан Сув ҳўжалиги вазирилик билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Сув ресурслари ва атроф-муҳит” минтақавий лойиҳаси доирасида 2023 йилда гидрометр-мутахас-

сислар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда сув ресурсларини интеграл бошқариш, гидрометрия ва метрология бўйича 5 кунлик ўқув-амалий курслари ташкил этилмоқда.

Мазкур курсларга ташкилотлар томонидан гидрометр лавозимда фаолият юритаётган, мутахассислиги бўйича соҳага оид тажрибага эга гидрометрлар жалб этилади. Шу билан бирга, фаол қатнашган гидрометрларга гидропостларни аттестациядан ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли намунадаги сертификат берилиши назарда тутилган.

Сув ресурсларининг ҳисоб-китобини аниқ юритиш ва гидрометрия хизматини янада яхшилаш мақсадида 22299 та гидропостда таъмирлаш-тиклаш, 537,2 минг марта назорат-ўлчов ишларини олиб бориш режалаштирилган. Бундан ташқари, тасдиқланган режага асосан 2403 та гидропостнинг паспортлари ҳамда 12263 та гидропостнинг аттестация ҳужжатлари янгиланади. Жорий йилда Сув ҳўжалиги вазириликнинг тизим ташкилотлари томонидан 705 та сув ўлчаш воситалари (вертушка) тарировка ва қиёслаш кўригидан ўтказилади ҳамда 89 та янги сув ўлчаш воситалари, 5983 та сув ўлчаш рейкалари ва 158 та гидрометрик штангалар сотиб олинishi кўзда тутилган.

**Ғ.САФАРОВ,** Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати **Гидрометрия ва сув омборларида сув ресурслари мониторинг шўъба бошлиғи.**

Эълон

“МАҲАМ-ЧИРЧИҚ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВАКОЛАТЛИ ОМБОРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тадбиркорларга минерал ўғитларни етказиб берилишида энгилликлар яратиш мақсадида “Маҳам-Чирчиқ” акциядорлик жамияти томонидан минерал ўғитларни вақтинчалик сақлаш учун ваколатли омборлар очишга танлов эълон қилинади. Танловда иштирок этишни истаган Талабгорлар тақлифларни муҳрланган ёпиқ конвертда 2023 йилнинг 15 июнь соат 18:00 га қадар қорхона девонхонасига тақдим этиши мумкин.

Ваколатли омбор танловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар ва қўйилдиган талаблар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар қорхонанинг веб-сайтида жойлаштирилган (www.maxam-chirchiq.uz)

Маълумот олиш учун: **Почта манзили: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй. Телефон: +99870 719-33-23. E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz**

Тошкент Давлат Техника Университети томонидан 2019 йилда Баходиров Абдурахмон Тохиржон ўғли номига берилган 04/9-28 2854 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат Техника Университети томонидан 2019 йилда Расуллов Бекзоджон Нодиржон ўғли номига берилган 04/9-100380 рақами рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Сафар Остоновнинг умр сарҳисоби

Ёнғин ҳар доим хавфли

Устоз Сафар ака Остоновнинг бирон бир тадбирда ниманидир ёндафтарчасига қайд этмай ўтирганини кўрмаганман. Баъзан унча муҳим бўлмаган тадбирлар тугагач, "Сафар ака, бу тадбирда ёзиб олиб қўядиган, айниқса, сизни ўйлатадиган гапнинг ўзи йўғу, сиз бошингизни кўтармай нималарни ёздигиз?" деб қолардик. Шунда устоз "Анави маърузачининг бир гапидан кейин бир ўйлаб юрган нарсам эсимга тушиб кетди, шу тобда қайд қилиб қўймасам, яна ёдимдан кўтарилиб қолади" дердилар. Эҳ, шундай қайд дафтарлардан нечаси бундан ўнлаб йиллар бурун тўлиб бўлганди, улар унинг столида қават-қават бўлиб турарди.



# ОСТОНОВНИНГ ҚАЙДЛАРИ КАТТА КИТОБ БЎЛДИ

Баъзан иш юзасидан бўлаётган кўнгилсизликлардан сўнг "Шу иш-ниям йиғиштириб, тезроқ бу блок-нотлардагиларни бир нечта китоб қилишим керак", дердилар. Шундай дердилару яна газетанинг, юртнинг, муружаат қилган одамларнинг ташвиши билан кўмилиб юрарларди. Ёндафтарчаларнинг эса яна янгилари тўлиб борарди.

"Умр ўлчаб берилган" деган иборани билмаган инсон йўқ. Аммо шу ўлчов қанчалик эканлиги ҳеч бандага маълум эмас. Баъзан бир инсоннинг анча эрта утганини эшитиб, бу дунёнинг ишларига шошилиб қоласан киши, баъзан кимнингдир юздан ошиб юрганини кўриб эса, ҳали улгурарман, деб қўясан. Сафар акани жамиятнинг, одамларнинг дарди жуда кўп вақтини, куч-қудратини олди. Тўғрироғи, қайд дафтарчаларидаги битикларни китоб қилишга қўлини бўшатмади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов вафотидан кейин фарзандлари ва ҳамкасблари ташаббуси билан чоп этилган китобни ҳозиргина қўлимга бериб кетган ўғиллари ҳам шунини гоҳ гурур, гоҳ армон билан сўйлай-

ди. Гурурланиши шунданки, бугун ҳамма отасининг бу жамият учун жон фидойилигини танмай эътироф этишади. Армон шундаки, отаси давлатимизнинг ўз хизматлари учун яратган имкониятларидан, ҳатто фарзандлари яратган шароитлардан ҳам деярли фойдаланмади. Шу китобларини босмадан чиқариб, тақдимотлар қила олмади. Устознинг ўзлари айтиб қолардилар: "Ўғлим фалон мамлакатдан санаторийга пўтёвка олибди, борасиз деб қўймапти. Мен эса қўй, ўғлим, дедим. Негадир Ўзбекистондан чиқим келмайди", деб. Ҳа, устоз нафақат юртдан чиқишни, балки журналистикадан бир дақиқа бўлса-да нари кетиб тура олмасди. Уни излаганлар яқшанба кунининг кечидаям "Матбуотчилар" кўчаси 32-уйдаги хоналаридан топарди. Беморликларини била туриб, унга "хукумат поликлиникаси"дан шифокорлар тинмай кўнгироқ қилиб, тезроқ даволанишга ётиши кераклигини ўқитиб туришларига қарамасдан вилоятга, биз билан сафарга бориб келдилар. Бемор ётганларидаям тезроқ чиқиб муаммолар ичига кириб кетишни истар

эди. Чунки жамиятдаги, унга муружаат қилаётганлар ҳаётидаги муаммолар унинг юрагидан сира чиқиб кетмасди. (Тўғриси, унинг жамият, одамлар ҳаёти учун безовталиги қайсидаги маънода унинг тузалиб кетишигама маълум маънода монельлик қилди. Унинг касаллигини билмаганлар ўз муаммоларини ўртага ташлаб, тинмай кўнгироқ қилиб туришган экан.) Энг аҳамиятлиси, умрнинг сўнги кунларидаям ёндафтарга қайдлар давом этган экан. Дафтарчалардаги ҳарфлар чалкашиб, ёзувларнинг қаторлари паста "шўнғиб" қолганлиги одамни даҳшатга солади. Энг сўнги нафас ҳам матнлар ифодасига сарflanган экан... Афсус, уларни китоб қилиб чиқариш, китобни ўз кўзлари билан кўриш учун эса ўлчовли, аммо қанчалиги фақат Аллоҳга маълум умр тугаб қолиб, изн бермади.

Бугун мазкур "Умид билан яшагин" деб ном олган китоб нашр этилгач, яхшиям издош шогирдлар бор экан, деб ўзимга тасалли бердим. Сафар аканинг турли йиллардаги мақолалари, қайд дафтаридagi битиклар "Академнашр" нашриётида каттагина китоб бўлди. Бу иш учун нашрга тайёрловчи Норқобил Жалил, масъул муҳарир Аҳрор Аҳмедов ва нашр ишига бош-қош бўлган барча ҳамкасбларга раҳмат деймиз, албатта.

Чори ЛАТИПОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Реклама

## Kaltsiy va magniy qo'shimchali

AMMIAKLI SELITRA (NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub>)  
GOST 2-2013 (Kod TN VED 3102 30 900 0)

**Аммиакли selitra tez ta'sir etuvchi nitrat shaklidagi, tarkibi 34,4 % azotdan iborat bo'lgan universal azotli o'g'itdir. Ammiakli selitra o'g'iti dehqonlarimiz tomonidan keng qo'llaniladigan o'g'itlardan biridir. O'g'it o'simliklar tomonidan to'liq va tezda o'zlashtiriladi, u turli qishloq xo'jalik ekinlarining o'sishi, rivojlanishi va hosildorligiga samarali ta'sir etadi.**

Mahsulot donadorlangan holda ishlab chiqariladi, suvda yaxshi eriydi. Ammiakli selitra qo'shimcha oziqlantirishda qo'llaniladigan asosiy o'g'itlardan biri bo'lib, ayniqsa kuzgi boshqoqli ekinlarni qo'shimcha oziqlantirishda qo'llanilishi yuqori samara beradi.

"Maxam-Chirchiq" aksiyadorlik jamiyati tomonidan ishlab chiqarilayotgan ammiakli selitraga brusit kimyoviy mahsuloti qo'shimcha ravishda qo'shiladi. Bundan asosiy maqsad esa mahsulotning mexanik qattiqligini, uzoqroq saqlanishini ta'minlash hamda ammiakli selitradagi erkin namlikni ushlab qolishdir. Shuningdek, brusit qo'shilishi natijasida mahsulot donadorligi ta'minlanadi, donalarning qotib qolishining va maydalanishining oldi olinadi. Qo'shimcha ravishda mahsulot tarkibida kaltsiy va magniy makroelementlari hosil bo'ladi. Bu elementlar azotning yo'qolmasligi hamda o'simliklar tomonidan yaxshi o'zlashtirishiga xizmat qiladilar va ekinlarning o'zini tutib olishiga, poyasining mustahkam bo'lishiga hosilning holati va ta'miga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

### AZOTNING O'SIMLIKLARGA TA'SIRI

Azot o'simliklar o'sishi va rivojlanishida katta ahamiyatga ega. Avvalo, u vegetativ massaning o'sishini tartibga solishga yordam beradi, o'simliklar metabolizmini yaxshilaydi, hamda hosildorlikni oshiradi. Makroelement poya va barglarning ishlashida muhim rol o'ynaydi. Azot eng faol tarzda ekinlarning poyasi va barglari rivojlanayotgan davrda o'zlashtiriladi. Ma'lumki, tuproqda azot yetishmasa, ekinlar o'sishda orqada qoladi, barglari sarg'ayib, mayda bo'lib qoladi.

### KALTSIYNING O'SIMLIKLARGA TA'SIRI

Kaltsiy o'simlik ichida sodir bo'ladigan ko'plab metabolik jarayonlarda ishtirok etadi. U hujayra devorlarining tuzilishini yaxshilash, hujayralarning bo'linishi uchun zarurdir. Kaltsiy uglevodlar va oqsil moddalar almashinuviga ham bevosita ta'sir ko'rsatadi. Kaltsiyga bo'lgan ehtiyoj o'sishning dastlabki bosqichlarida namoyon bo'lib, u ekinlar o'zini tutib

olishi uchun zarurdir. Kaltsiy hujayra devorlarining tarkibiga kiradi. Kaltsiy suv muvozanatini tartibga soladi, tuproq kislotalarini bog'laydi, o'simliklarning ildiz tizimining rivojlanishi uchun sharoit yaratadi, tuproqdagi ko'plab birikmalarning eruvchanligini yaxshilaydi.

### MAGNIYNING O'SIMLIKLARGA TA'SIRI

Magniy har bir o'simlik hayotida muhim rol o'ynaydigan makroelement hisoblanadi. U ekinlarning o'sishi va rivojlanishini faollashtirishda ishtirok etadi, bu hosilning holati va ta'miga ta'sir qiladi.

**Magniy makroelementi ayniqsa quyidagi o'simliklarga mos keladi:**

- Don va boshqoqli ekinlar;
- Kartoshka;
- Soya va boshqa dukkaklilar;
- Sabzavot ekinlari;
- Mevali daraxtlar.

**O'simliklarda magniy yetishmovchiligi belgilari quyidagilar:**

- Barglarning yuzasida quyuuq jigarrang tusdagi dog'lar paydo bo'ladi.
- Qisqa vaqt ichida o'simliklarning pastki barglari sariq rangga ega bo'ladi.
- Eski barglar naychaga o'raladi va to'kiladi.
- Xavfsizlik talablari: ammiakli selitra xavfi kam bo'lgan moddalar qatoriga kiradi, oksidlovchi hisoblanadi hamda yong'in xavfi bor. Inson organizmiga ta'siri bo'yicha xavflikning 4-sinfiga taalluqlidir.
- Qadoqlash: mahsulot (50-0,5) kg li polipropilen qoplanga va 1 tonnali big-beglarga joylanadi.
- Tashish: transportning barcha turlarida, ushbu transport turiga amal qiladigan yuklarni tashish qoidalariga muvofiq qoplangan va to'kilgan holda tashiladi.
- Saqlash: boshqa material va moddalardan alohida, mahsulotni namlanishdan saqlaydigan yopiq, quruq va toza omborlarda saqlanadi.

## GAZETALARGA BAQIQLANGAN KИТОБ

Газета саҳифаланаётган чоғда "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририятига хушxabар келди. Бу шундай қувончли хабарки, газетхонлар билан ҳам баҳам кўришни лозим топдик. "Ижод нашр" нашриётида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига маъсул ходими Алишер Тоировнинг "Газета – ўқиш учун чоп этилади", номли китоби нашр этилди. Газеталарга эътибор билан қараб, китобини газеталарга ва таҳририятда кунни тунга улаб, фидойиларча хизмат қилаётган журналистларга бағишлаганидан "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририяти ходимларини ҳам боши кўкларга етди. Ушбу китоб муаллифи Алишер Тоировга, "Ижод нашр" нашриёти раҳбари Аҳмад Тўрага ва китоб нашр этилишида хизмат қилган барчага таҳририят ўз миннатдорлигини билдиради. Газеталарга бағишланган китоб барчамизга муборак бўлсин!



ТАҲРИРИЯТ

## ЁНЎНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ХАТАРЛИ ОМИЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш жараёнларида, умуман ҳаёт фаолиятимиз давомида ёнғинларнинг келиб чиқишига бир қанча омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, керосинда ишлайдиган ётуғи ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатилиш ёки фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин ёки статик электр зарядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг

носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (ички ёнғинчи двигателларидан чиқадиган учкунлар, электр қурilmаларидаги қисқа туташувлар уларнинг ерга улашиб қолиши, электр симларидан зўриқишнинг йўл қўйилмайдиган даражада ортиб исиши, буғ қозонларининг портлаши), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ёки ёнғинчи

маҳсулотларнинг сақлаш қоидаларига риоя қилинмаслиги шулар жумласидандир.

Сергели тумани ФВБ жамоаси фуқаролардан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доимий равишда амал қилишларини сураб қолади.

**Н. МИРЗАЕВА,**  
Сергели тумани ФВБ ЁН ва ПБ мутахассиси.

## Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-640. 1689 нусхада чоп этилди.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 18.00